



2022- yil "Inson qadrini
ulug'lash va faol mahalla yili"

NAVBAHOR



E-mail: furqat-navbahor252@umail.uz

2022- yil 11- iyun,
shanba

Gazeta 2002- yil 12- fevraldan haftada bir marta chiqadi № 12 (1020)

Furqat tumani hokimligining ijtimoiy-siyosiy nashri

"Маданият карвони"

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН - ИНСОН ҚАДРИ УЛУГ'ЛАНГАН ЮРТ

“Янги Ўзбекистон ривожланиш соҳасида янги даврга қадам қўйди. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган "Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат" деган улуғвор мақсад асосида янгидан янги ислохотларни амалга ошириш кўзда тутиляпти. 2022 йилнинг "Инсон қадрини улуг'лаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам жорий йилда инсон қадри, унинг манфаати ҳаммиша юқори ўринда туриши керак, деган халқпарвар голянинг узвий давом этишини исботлаб берди.

Яқинда вилоятимиз бўйлаб "Янги Ўзбекистон - инсон қадри улуг'ланган юрт" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилди. Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида "Янги Ўзбекистон - инсон қадри улуг'ланган юрт" шиори остида концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, энг сара кинофильмлар намойиши бўлиб ўтди.



- Фурқатликлар азалдан маданиятга, санъатга ошурфта халқ, - дейди Фурқат тумани ҳокимининг ўринбосари Алимардон Аъзамов, - Айниқса, тумандошларимиз элимиз суйган санъаткорлар ва ижодкорлар билан учрашувларни соғинган эди. Шу боис, ҳар бир маҳаллада маданий-маърифий тадбирларни юқори савияда ўтказиш чоралари кўрилди.

Учрашувларда аҳолига юртимизда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда эришилаётган ютуқларни аниқ ҳаётий мисоллар орқали содда ва тушунарли шаклларда етказишга эътибор қаратилди. Одамларга кўтаринки кайфият улашишни мақсад қилган ҳолда мароқли хордик чиқаришлари ва сўнги вақтларда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик, энг муҳими инсон шаъни ва кадр-қимматини улуг'лашга қаратилган одилона сиёсатнинг амалдаги ифодаси сифатида ўтказилаётган тадбирлар барчага манзур бўлди.

Маданий-маърифий тадбирларнинг биринчи куни Фурқат туманига бириктирилган Ўзбекистон халқ артисти Одина Нарзуллаева, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, эстрада хонандалари Анвар Собиров, Сухроб Хамдамов, Машхура Эргашева, Нурали Шукруллаев, Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази директорининг илмий маслаҳатчиси Файзулло Эрназаров каби тарғибот гуруҳи аъзолари "Кичик янги" МФЙ 14-



умумталим мактабида кутиб олинди. Ҳурматли меҳмонлар иштирокида "Ёшлар дафтари"га киритилган 10 нафар ёшларга (контракт тўловлари, субсидия асосида берилган тикув машинаси, СЧР тўловлари) сертификатлар топширилди, иктидорли ёшлар ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди.

Тарғибот гуруҳи аъзолари "Катта янги" МФЙда халқаро олимпиада



совриндори Севинчбону Каримованинг хонадонига ташриф буюриб, ўқувчига эсдалик совғаларини топширишди.

"Шункор" МФЙ 13-умумтаълим мактабида 800 дан зиёд аҳоли вакиллари иштирокида маданий-маърифий тадбир ташкилланди. Куй-қўшиқ, самимий мулоқот, рақс ва ҳазил-мутойибадан бошланган тадбир Халқ таълими вазири билан учрашиб, уни ҳайратга солган кизалок Диёрахон Мирзаганиеванинг хонадонига давом этди.

"Хайит" МФЙ 11-умумтаълим мактабида битирувчи-ёшлар ҳамда кенг аҳоли вакиллари учун тадбир ташкилланди. Иктидорли ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

"Эшон" МФЙда яшовчи 110 ёшли Орзибиби ая Пулатованинг хонадонига учрашув ҳам ўзига хос ва самимий руҳда ўтказилди.

Бу каби маданий-маърифий тадбирлар барча маҳаллаларда давом этди.

Дурдона ФОФФОРОВА.

ИККИТА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РЕЖАНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРДИ

"Фурқат келажаги" ММТП ҳудудидаги "Ортиғали Фаниев" ва "Дўстлик водий файзи" ММТП ҳудудидаги "Зарчашма булоғи" илгор фермер хўжаликлари ўрмининг тўртинчи кунда галла шартномасини ортиғи билан бажарди.

"Аср" навли бугдой экилган "Ортиғали Фаниев" фермер хўжалигининг 34.7 гектар галла майдонидан 134.7 тонна ҳосил олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 138 тонна ҳосил олинди. "Гром" навли бугдой экилган Бегзод Ҳамзалиев бошчилигидаги "Зарчашма булоғи" фермер хўжалигининг 36 гектар галла майдонидан 134.5 тонна ҳосил ўрнига амалда 140 тонна ҳосил олинди.

Жорий йилда Фурқат тумани галлакорлари 6 минг 630 гектар майдонда бошокли дон етиштириб, шартномага асосан 24 минг 652 тонна галла ҳосили етказиб беришни мақсад қилган. 2 июнь куни "Ғалвирни сувдан кўтаришни" бошлаган 204 та фермер хўжаликларидан иборат галлакорларимиз кун сайин ўрмининг кучайтиришда. Бу йилги мавсумга 25 та отрядга бириктирилган



30 та юқори унумли ўрмин комбайнлари, 100 та дон ташиш транспортлари жалб этилган.

Ялпи ҳосил салмоғини 24 минг 652 тоннага етказишга бел боғлаган туманимиз галлакорларига куч-қувват ва хирмонларига барака тилаймиз!

Алишер СОЛИЕВ.

Бола кулса - олам кулади

МУРҒАК ҚАЛБЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИЛДИ

Фарзанд тарбияси дунёдаги барча ишлардан кўра муҳим ва масъулиятлидир. Шунинг учун бўлса керак, юртимизда келажак авлод таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилади. Айниқса, таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланган мактабгача таълим соҳасининг тубдан яхшиланаётгани эртаимиз эгалари келажакда мустақкам замин бўлиши шубҳасиз.



Мактабгача таълим ташкилотимиз "Шойимбек" МФЙда жойлашган бўлиб, 170 ўринга мўлжалланган. Ҳозирда муассасамизда 43 нафар ходимлар 165 нафар болажонларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Мактабгача таълим ташкилотимизда инглиз ва рус тили, шахмат тўғараклари фаолияти йўлга қўйилган.

"1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни" муносабати билан муассасамизда "Бахтли болалик!" номли байрам дастури намойиш этилди. Унда иктидорли ва зукко тарбияланувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Байрамона ташкилланган тадбирда



болажонлар ўзларининг турли хил қизиқарли чиқишлари, рақслари ва кўшиқлари билан томошабинларни хушнуд этишди. Ташкилот педагоглари томонидан тайёрланган қизиқарли намойишлар, совғалар мурғак қалбларга олам-олам завқ улашди.

Мактабгача таълим ташкилотимизда мунтазам ўтказиб келинаётган бу каби тадбирлар кичкинтойларнинг таълим-тарбиясида самарали хизмат қилиш билан бирга ёш иктидорларни кашф этиш имконини ҳам беради.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда мактабгача таълим тизимини тубдан ислох қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор соҳада улкан ўзгаришлар жараёнини бошлаб бергани, бу ислохотлар келажак ворисларини соғлом, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мактабгача таълим - таълим ва тарбиянинг пойдеворидир. Эртаимиз эгалари учун яратилаётган бу каби шарт-шароитлар уларнинг порлок келажакини таъминлаши шубҳасиз.

Махлиёхон ҲАЙИТОВА,
19-ДМТТ директори.



"Ташаббусли бюджет"

ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ҲУДУДЛАР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллانган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Фурқат туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га 2022 йил "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1-босқичи давомида туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 623 млн.сўм, бюджет маблағларининг 5 фоиз қисми жамғарма учун ажратилиши ҳисобига 3280,0 млн.сўм ва йил бошига қолдиқ маблағлари 325,9 млн.сўм, жами 4229,0 млн.сўм маблағлар шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайти орқали мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2022 йил "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1-босқичи давомида фуқаролар томонидан 156 та таклифлар келиб тушган бўлиб, шундан 54 та таклифлар ишчи комиссия томонидан низом талабларидан келиб чиқиб рад этилган ҳамда 102 та таклифлар овоз бериш жараёнига ўтказилган. Туман молия бўлими томонидан туман марказидан олис 7 та ҳудудда сайёр ярмаркалар ташкил этилди.

Овоз бериш жараёни 2 апрель кунига қадар давом этди. 102 та ташаббуслар учун жами 46 минг 879 та овоз келиб тушган бўлиб, туман аҳолисининг 39 фоизи жараёнда иштирок этган.

Якуний натижаларга кўра, энг кўп овоз олган қиймати 4 минг 382 млн.сўмлик 10 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Жумладан,

Фурқат тумани 21-умумтаълим мактабининг моддий-техника базасини бойитиш учун 212 млн.сўм (ID рақами 1410400128);

Фурқат тумани Кичик янги МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400014);

Фурқат тумани Калдушон МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400027);

Фурқат тумани Қўқонбой МФЙ кўчаларини асфальтлаш учун 900 млн.сўм (ID рақами 1410400066);

Фурқат тумани Истиқлол МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400021);

Фурқат тумани Янги МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400024);

Фурқат тумани Томоша МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400026);

Фурқат тумани Чек-кўприк МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 408

млн.сўм (ID рақами 1410400025);

Фурқат тумани Ўртақўрғон МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 409 млн.сўм (ID рақами 1410400071);

Фурқат тумани Тўрғай МФЙ инфратузилмасини яхшилаш учун 408 млн.сўм (ID рақами 1410400018) таклифлари "ҒОЛИБ" деб топилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрель кунини "Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори имзоланди. Мазкур қарорга асосан ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳаларни амалга ошириш учун Республика бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш белгиланди ҳамда тумандаги "Шунқор" МФЙ инфратузилмасини яхшилаш (ID рақами 1410400022) учун киритилган таклиф 2 минг 504 та овоз тўплаганлиги сабабли мазкур қарор иловасига киритилди ва қўшимча 409 млн.сўм маблағ ажратиш назарда тутилди.

Умумий ҳисобда туманда 2022 йил "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1-босқичи натижалари бўйича жами 4791,0 млн.сўмлик 11 та таклиф "ғолиб" деб топилган.

Мазкур тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли дастур асосида ҳар бир ғолиб таклиф учун туман Халқ таълими бўлими ва туман Ободонлаштириш бошқармасига ҳар бир лойиҳага алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилиб, белгиланган тартибда маблағлар ажратиш берилган. Бугунги кунда манзилли дастур асосида амалий ишлар бажарилмоқда.

Санъатбек АХМЕДОВ,
Фурқат тумани Молия бўлими
муdiri.

Ёз - ўтади соз!

"ЁШЛИК" БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ МАВСУМГА ТАЙЁР

"Ёшлик" болалар оромгоҳи биноси 1968 йилда қурилган бўлиб, 100 ўринга мўлжалланган, умумий майдони 1,8 гектарни ташкил этади. Бу ерда мавсум давомида 300 нафар бола хордиқ чиқариб, соғломлаштирилади.

Мазкур масканда болажонларнинг таътил кунларини мароқли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида мавсум бошлангунига қадар кенг кўламли ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Яқинда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида очилиш тадбири ўтказилди. Тадбирда биринчи мавсумда соғломлаштириладиган 100 нафар



Рауфжон СУЛАЙМОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси туман бўлини маси
кенгаши раиси.

Муҳим янгиликлар

Президентнинг "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида асосан, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўйидаги тартиб жорий қилинган:

ЁШЛАРГА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОРЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

- 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади;

- "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат курулларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

- "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкни ижарага олишда ижара тўловларидан имтиёзлар тақдим этилади;

- "Ёшлар дафтари"га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга бир йиллик ижара



харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади;

- профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади.

Бехзоджон ҲАЛИМОВ,
"Истиқлол" МФЙ ёшлар етакчиси.

Таҳлил

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БЕШ ОЙИ МОБАЙНИДА 155 НАФАР ЁШЛАРГА 506,3 МЛН СЎМЛИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Фурқат туанида 2022 йилнинг 5 ойи давомида "Ёшлар жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 155 нафар ёшларга 506,3 млн сўмлик турли хил ёрдамлар кўрсатилган.

Ижтимоий қўмакка муҳтож 2 нафар ёшларга 2,2 млн сўм бир марталик моддий ёрдам, 10 нафар ёшларга 46,5 млн. сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат куруллари берилди. Жумладан,

- 6 та тикув машинаси, 1 та инкубатор, 1 та пайвандлаш ускунаси, 1 та ҳаво компрессори, 1 та ноутбук берилди.

- 2 нафар ёшларга 2,2 млн.сўмлик хайдовчилик гувоҳномалари тўлови, 141 нафар талаба ёшларнинг 315,4 млн.сўмлик контракт тўлови, 7 нафар

ёшнинг 33,6 млн сўмлик сафарбарлик чақирuvi резерви харажатлари тўлаб берилди.

- Беш муҳим ташаббус тадбирларини молиялаштириш учун 10 та тадбирларга 140,4 млн.сўм маблағ сарфланган.

Эртамиз эгаларининг мурожаат ва таклифларини ўрганиш ва ҳал этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби амалий ишлар кўлами йил давомида янада кенгайтирилади.

Исломбек ЭРАЛИЕВ,
Ёшлар ишлари Агентлиги туман
бўлими беш ташаббусни
мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

Сектор раҳбари ва ёшлар учрашуви

МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Бугунги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, ёшлар катта куч. Уларнинг кучи, салоҳияти тўғри йўналтирилса, мамлакатимиз келажаги ишончли қўлларда бўлади.

"Ингичка" МФЙ биносида 3-сектор раҳбарининг қабули бўлиб ўтди. Унда келажагимиз эгаларининг орзу, истак ва мақсадлари тингланиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Учрашувда мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, билим олиш, китоб ўқиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Шунинг учун ёшларимиз яратилган шароитлардан оқилона фойдаланишлари, буюк аждодларимизга муносиб авлодлар бўлиб етишишлари кераклиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларнинг таклиф, истак ва муаммолари тингланди. Ёшларнинг



2 нафарига имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди, субсидия орқали 3 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Шунингдек, аввалги қабулларда олий таълимда таҳсил олаётган 4 нафар ёшлар контракт тўловларини тўлаш учун ёрдам сўраган эди. Уларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, талаба-ёшларга тўлов контракт суммасининг 50 фоизгача бўлган қисми тўлаб берилди.

Бохуржон МАДАМИНОВ,
"Ингичка" МФЙ ёшлар етакчиси.

Обод маскан

МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ!

Дарҳақиқат, обод маҳалла - бу бизнинг, энг аввало фаровон оилаларимиз, қадриятлар бешиги бўлган маҳаллада ўсиб-ўлғаяётган маънавий ва жисмоний баркамол ёшларимиз, кўркем қишлоқларимиз, замонавий ва файзли масканларимиздир. Бу масканда аҳиллик ва ҳамжихатлик, кексаларга ҳурмат-у ёшларга иззат, муҳтожларга мурувват кўрсатиш каби кўплаб ибратли миллий ва диний қадриятлар ҳукмрон бўлган. Хабарингиз бор, юртимизда май ойида маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг сайлови бўлиб ўтди. Фурқат туманида ҳам 34 та маҳаллаларда сайлов жараёнилари очиклик, шаффофлик тамойилларига таянган ҳолда ташкилланиб, янги раислар иш фаолиятини бошлади. Фарғона вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Б.Холиқов Фурқат туманидаги маҳалла раислари билан учрашди. Йиғилиш давомида маҳалланинг мақсади ва ваколатлари, соҳага оид фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам тайинлаш тартиби, аҳоли томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси давомида маҳаллалар балансига олинган терак қаламчаларини парваришлаш



каби долзарб мавзуларда мулоқотга киришилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Озик-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолига тарқатилаётган ҳамда нон ишлаб чиқарувчиларга берилаётган ун маҳсулотлари очик бозор савдолари, яъни биржа савдолари орқали эркин нархларда сотилиши йўлга қўйилганлиги, маҳалла раисларига аҳоли ўртасида, савдо дўконлари ва бозорларда ун маҳсулотининг нархи ошиб кетишининг олдини олиш борасида тушунтириш-тарғибот ишлари ўтказилиб, бу каби тарғибот ишларини тизимли ташкиллашга келишиб олинди.

Сойибжон СОБИРОВ,
Фурқат тумани Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бўлими мутахассиси.

"CYBERSPORT" МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

"Қушчи" маҳалла фуқаролар йиғинида туман ҳокими, I-сектор раҳбари Жаҳонгир Жуманов бошчилигида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашув ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш каби масалаларга қаратилди.

Учрашув давомида ёшлар томонидан ижтимоий ёрдам, ишга жойлаштириш, субсидия асосида меҳнат қуроли олиш, контракт тўлови каби 10 га яқин мурожаат ва таклифлар билдирилди.

Юқорида кўрсатилган муаммо ва таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилган ҳолда, ҳал этиш чоралари кўрилди.



Учрашув сўнггида, ёшлар ойлиги доирасида ўтказилган "Cyber sport" мусобақасида фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришган ёшларга рағбатлантирувчи совғалар ҳадя этилди.

Сарварбек ТҲҲИЕВ,
"Қушчи" МФЙ ёшлар етакчиси.

Аҳолини рўйхатга олиш

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ МАХФИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 мартдаги "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонунга асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёни даврийлик - аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши, умумийлик ва бир пайтдалик - аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади, рўйхатга олишнинг яқка тартибдалиги - шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги - аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги - Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш аҳолини рўйхатга олишни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиши каби тамойилларига таянади. Бундан ташқари мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан аҳолини

рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографию ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни, респондентлар - аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уй хўжалиги - битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин каби асосий тушунчалардан иборатдир.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФУРҚАТ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

2022 йил 1 июнь

VI-49-93-11-164-K/22

**ФУРҚАТ ТУМАНИДА БЎШАБ ҚОЛГАН 14-"ШУНҚОР",
22-"ШОЙИМБЕК" ҲАМДА 30-"ҒАЛЛАҚОР" САЙЛОВ ОҚРУГЛАРИГА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ САЙЛОВИНИ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддалари ҳамда Сайлов кодексининг 93-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси М.Рўзиматовнинг бўшаб қолган 14-"Шунқор", 22-"Шойимбек" ҳамда 30-"Ғаллақор" сайлов округларига 2022 йил 10 июль якшанба куни сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг бўшаб қолган 14-"Шунқор", 22-"Шойимбек" ҳамда 30-"Ғаллақор" сайлов округларига сайлов 2022 йил 10 июль якшанба куни ўтказилсин.
3. Туман ҳокимлигининг Молия бўлими мудири С.Ахмедовга:
- сайловлар билан боғлиқ ташкилий, техник тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган миқдорда маблағ ажратиш вазифаси юклансин.
4. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (Рўзиматов) бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтадиган сайловни амалдаги қонунчилик асосида адолат ва шаффофликни таъминлаган ҳолда ташкил этилишини таъминласин.
5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига юборилсин.
6. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (У.Бозоров) ҳамда "Навбахор" газетаси (Д.Ғафорова) мазкур қарорни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўрсин.
7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Мирзахмедова зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси

Ж.Жуманов

Давлат хизматлари марказига савол:

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧИ КИМНИНГ ҲИСОБИДАН ХАРИД ҚИЛИНАДИ?

- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарорига кўра, маиший истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналари харида қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёслови ва пломбалаш тегишли равишда ҳудудий электр тармоқлари қорхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун санаторийларга йўланма қандай олинади?

-Хукумат қарори (693-сон, 19.11.2021 йил) билан Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланган. Ушбу регламентга кўра, 2022 йил 1 июлдан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўланмалар фақат ДХМ ёки ИИДХП орқали берилади.

Йўланмалар қуйидаги тоифадаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилади:

- уруш ногиронлигига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари);
- республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;
- Чернобил АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобил ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
- ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахс;
- ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар;
- ёшга доир пенсия олувчилар.

Давлат хизматлари кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди. Йўланмалар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 12 кунга, йўланмаларнинг амал қилиш муддати бошланишидан 10 кун олдин берилади.

**Саволларга Фурқат тумани ДХМ директори
Баҳромжон СОБИРЖОНОВ жавоб берди.**

"Ғалла - 2022"

ҒАЛЛАЗОРЛАРНИ ЁНҒИНЛАРДАН АСРАЙЛИК!

Айни пайтда туман фермер хўжаликлари далаларида пишиб етилган ғалла йиғим-терими жадал суръатларда давом этмоқда. Бу йилги мавсумда жойларда ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида ўрим-йиғим мавсумига пухта тараддуд кўрилди. Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида туман ҳудудида жойлашган хўжаликларнинг ва фермер хўжаликларнинг ерларида экилган ғалла майдонларида, ўрим-йиғимга жалб этиладиган, автотракторларнинг, жойлардаги масъул ва жавобгар мутахассислар иштирокида профилактик тадбирлар ташкилланмоқда.

Мавсум давомида экилган ғалла майдонларида ўрим-йиғим олдидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ўрилган ғалла майдонларидаги сомонларни ёқмаслик борасида фермер



хўжаликларнинг мутассадди ходимлари, ғаллақор ва механизаторлар билан суҳбатлар ўтказилди.

Фурқат тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ўрим-йиғим мавсуми даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Азизбек МЕЛИЕВ,
туман ФВБ НТБ бошлиғи, капитан,
Орифжон АБДУВАХОБОВ,
Фурқат тумани ФВБ II ВА НБ
инспектори, лейтенант.

Туризм

**"БАЛДАЙИ МАҲФУЗА"ТА САФАР
ТААССУРОТЛАРИ**

ЎзЖОКУ сиртки бўлим 4-курс талабаларининг бу сафарги бир ойлик таълим жараёни барча учун унутилмас хотираларга бой бўлди. Маҳоратли устозлардан ҳаёт ва илм сабоқларини эгаллаш билан бирга, юртимизнинг сўлим гўшаларига сайёҳатлар ташкилланди. Ўқишнинг сўнги кунда деканамиз Нуриддин Жабиев бошчилигида Самарқанд сари йўлга чиқдик. Жиззахда тўхтаб, афсонавий "Жиззах сомса"сидан тановул қилдик.



Пресс-тур Самарқанд вилоятидаги энг узоқ тарихга эга, миллатпарвар жадид Бехбудий муҳаррирлик қилган нашр - "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири, тажрибали журналист Фармон Тошев билан ижодий суҳбатдан бошланди. У киши билан ҳаёт сабоқлари, журналистик фаолият машаққатлари ҳақида суҳбатлашдик.

Навбатдаги манзил Самарқанд вилояти МТРК. Учрашувда соҳа мутахассисларининг фаолият жараёнидаги мураккаб вазиятлар, касбий фаолият билан боғлиқ машаққатлар хусусида фикрлар билдирилди. ЎзЖОКУга бириктириб берилган Самарқанд шаҳридаги Транспорт ва муҳандислик коммуникациялар техникумида янгитдан ташкилланаётган йўналишлар ва таълим масканида ишлаётган устозлар фаолияти билан танишдик.

Тушлик. "Самарқанд" ресторани. Самарқандлик курсдошларимизнинг таърифларича бу манзил ҳамиша туристлар билан гавжум бўлади. Миллий ва дунё таомлари, хизмат кўрсатиш сифати Самарқандга келган меҳмонларни ўзига тортса керак.

Куннинг иккинчи ярмида тарихий обидаларни зиёрат қилдик. Бунёдкорликнинг энг бетакрор намуналари бўлган - Амир Темур макбараси, Регистон ансамбли, Шоҳизинда, Бибиҳоним, Ҳазрати Хизр мажмуаларини томоша қилар эканмиз, Соҳибкирон Амир Темурнинг "Агар кимки, бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга

боқсин", деган машҳур хитоби ёдимизга тушди.

Сафар якунида самарқандча майиз, ширинлик ва ўша машҳур "Самарқанд нони"дан сотиб олиш учун Шарқнинг кўҳна ва кўркам бозори "Сиеб"га бордик.

Самарқанд биз учун унутилмас хотиралар, аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намунаси, улкан тажриба ва билим майдони сифатида ёдимизга қолди.

Захирридин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида "Сайқали рўйи замин"га шундай таъриф берилди:

"Рубъи маскунда (ер юзининг тўрт тарафида) Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Беишчи иқлимдидур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва галаба ила мунга даст топмогон учун "балдайи маҳфуза"(муҳофаза қилинган шаҳар) дерлар.

Самарқанд шаҳри ажаб ороства шаҳредур, бу шаҳарда бир хусусияте борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг (касб эгаси, ҳунарманд) бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут (халақит, аралаш) эмастур, тавр расмедур (яхши одатдир). Хуб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қозғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қозғозлар (жувоз ёрдамида тайёрланган қозғоз) суйи тамом Кониғилдин келаду. Кониғил Сиеҳоб ёқасидадурум, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар".

Шабнам ҚОБИЛ.

ЭЪЛОНЛАР

Фурқат Кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежини 2017 йилда тамомлагани ҳақида Уматов Қобилжон Одилжон ўғли номига берилган К-№ 4770603 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фурқат ижтимоий-иқтисодий коллежининг "ЭХМ" йўналишини 2012 йилда тамомлагани ҳақида Расулова Сурайёҳон Санъатжон қизи номига берилган КН№ 2612533 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фурқат ижтимоий-иқтисодий коллежининг "ЭХМ" йўналишини 2013 йилда тамомлагани ҳақида Жўраева Одилахон Хайдарали қизи номига берилган КН№ 3065517 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фурқат тумани ХТБ тасарруфидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини 2020-2021 ўқув йилида тамомлагани ҳақида Қаҳҳоров Нодирбек Анваржон ўғли номига берилган тартиб рақами 42, УМ № 1118939 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бўш вақт - ҳуш вақт бўлгани яхши!

**ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР МАСКАНИГА
МАРҲАМАТ!**

Маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият - бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз керак.

Фурқат тумани 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби 2013 йилда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкиллаш, мусиқа ва санъат соҳаларига қизиқтириш ва иқтидорларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

**Мактабимизда:**

1. Фортепиано
2. Анъанавий хонандалик
3. Академик хонандалик (эстрада хонандалик)
4. Ўзбек халқ чолғу созлари (дутор, рубоб, доира, гижжак)
5. Амалий санъат (зардўзлик, заргарлик, дизайн, хайкалтарошлик)
6. Тасвирий санъат
7. Хореография (рақс) йўналишлари мавжуд.

Мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилари халқаро, республика, вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган кўрик-танлов, фестивал ва форумларда фаол иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин эгалламоқдалар. Ҳозирда халқаро кўрик-танловлар бўйича 1-ўрин соҳиблари 12 нафарга, республика ҳамда вилоят миқёсидаги кўрик-танловлар ғолиблари 16 нафарга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги 112-



сонли қарорида ҳам ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, мусиқа ва санъатга қизиқтириш ҳамда қарордаги 1-иловага мувофиқ умумтаълим мактаблари ўқувчиларига дутор, дўмбира, доира, танбур, рубоб, гижжак, най каби чолғу асбобларидан энг камида биттасида ижро этиш қобилиятини шакллантириш ва битирувчиларнинг гувоҳномасига шу чолғулардан биттасида куй чала олиш шарт этиб белгиланди. Шу сабаб тумандаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларини муассасамизга таклиф этамиз. Шунингдек, туманда мавжуд умумтаълим мактаблари мусиқа фани ўқитувчилари шартнома асосида ўзбек халқ чолғулари бўйича очилган курсларда иштирок этишлари мумкин.

Азиз ота-оналар! Шунингдек, мусиқага, санъатга ошўфта боладан асло ёмонлик чиқмайди. Шундай экан, барчангизни мусиқа ва санъат мактабимизда кутамиз! Бу ерда энг маҳоратли ва тажрибали педагоглар сизнинг фарзандингизга мусиқа ва санъат сирларини ўргатишга ҳамиша тайёр!

Маълумот ўрнида: Мусиқа ва санъат мактабимизга 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган иқтидорли, билимга чанқоқ ўқувчилар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:

+99894493490,
+99891-657-44-34,
+99890-157-60-57

Азаматжон ҚҮЛДОШЕВ,
12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори.

Тарбия ё ҳаёт, ё мамот масаласидир!

**ЯХШИ ОТА-ОНА БЎЛИШ УЧУН НИМА
ҚИЛИШ КЕРАК?**

Ота-она бўлиш осон, лекин яхши ота-она бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қуйидаги кичик маслаҳатлар яхши ота-она бўлиш сари етаклайди:

Асабийланиманг!

Сиз қанчалик мулойим ва сокин бўлсангиз, болангиз ҳам шунчалик осуда бўлиб ўсади.

Алдаманг!

"Овқат есанг, бувингникига олиб бораман!", дедингизми, олиб боринг ёки ундай ваъда берманг. Болага берилган ваъдани бажариш муҳим. Шунда у сизга ишонади ва талабларингизни осон бажаради.

Урманг!

Болани уришдан ёмони йўқ. Урмай туриб ҳам жазолаш мумкин, урмай туриб ҳам ота-она ўз гапини ўтказиши мумкин. Уриш даражасига бордингизми, демак айб сизда.

Айбингизни тан олишни билинг!

Бирон ишда хато қилиб қўйсангиз болангиз олдида уни тан олишга одатлангиз. Бундан бола хато



қилишдан кўркиб яшамай, хатони қандай қилиб такрорламасликни ўргансин.

Болани эрка қилишдан кўркманг!

Етти ёшгача эрка бўлган бола ҳаётда катта ютуқларга эришади. Фақат эркалиги янги ўйинчоқлар билан эмас, сизнинг меҳрингиз билан қоплансин.

Кечирим сўрашни билинг!

Сиз ҳам ноҳақ бўлишингиз мумкин. Боладан ке-чирим сўрашдан кўркманг. Бундан у меҳрлироқ ва сабрлироқ бўлишни ўрганади.

**NAVBAHOR
МУАССИС:
ФУРҚАТ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ**

НАШР КЎРСАТ-
КИЧИ 7568

ISSN 2010 8362



Мухаррир Дурдона ҒОФҒОРОВА

Нашр учун масъул Алишер СОЛИЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2007 йил 9 январда 12-019 рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳажми: А-3. Даврийлиги: ҳафтада бир марта. Адади : 448 нусха.

Буюртма № _____ Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилган вақти: 17.00

Газетанинг босма сифати учун босмаҳона, обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш учун эса Навбахор почта алоқа тармоғи жамоалари масъулдирлар. Баҳоси келишилган нархда.

Газета тахририят компьютерида терилиб, саҳифаланди ва «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди.

Тахририят манзили: 151700, Фурқат тумани ҳокимлиги биноси. Телефон: (+99873) 54 92 552. (+998 99) 601 13 16
Босмаҳона манзили: Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 71-уй.